

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга устувор аҳамият берилгани бугунги кунга келиб ўз самарасини кўрсатмоқда. Япи ички маҳсулотда уларнинг ҳиссаси асосий ўринни эгаллаётгани, аҳолининг кўпчилик қисми мазкур соҳада иш билан таъминлангани бунинг яққол далилидир.

Qonun ijodkorligi

Ишбилармонлик муҳити янада яхшиланади

қабул қилинаётган янги қонун шу мақсадга хизмат қилади

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг 2012 йил 18 июлда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури тас-

диқланган. Ушбу Дастурнинг 31-бандида давлатга ҳудудий зиён келтирмаган ҳўжалик фаолияти соҳасидаги ва иқтисодий-ёт асосларига қарши жиноятлар бўйича судланганликнинг олиб ташланиши мudda-тини ўртача икки бараварга камайтириш, Бевосита жабрланувчи томонидан давволар бўлмаган тақдирда иқтисодий жиноятлар бўйича жиноят ишларини туғатиш ва судланганликнинг олиб ташланишига қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши белгиланган.

(Давоми учинчи бетда)

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Мамлакатимиз Конституцияси тараққиётимизнинг том маънодаги ҳуқуқий кафолатидир. Унда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасидаги интилишлари, эзгу орзу-умидлари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий муносабатлар тизими қарор топаётгани тадбиркорликка, кичик бизнесга кенг йўл очмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан иқтисодиётимиз раванга топаётди. Мамлакатимизда кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишнинг, янги қонунчилик тизимини вужудга келтиришнинг негизи ҳам Асосий қонунимизда мужассамлашган. Яъни Конституциямизда ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида барча давлат идоралари ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берилди. Натижада юртимизда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти қарор топиб, улар ижтимоий ҳаётда ўз функциялари-

ни самарали адо этиб келмоқда. Ҳуқуқий давлатда қонун устувор бўлиб, у шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқини кафолатлайди. Қонун олдидан барчанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланаётганлиги фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодининг рўёбга чиқини имкониятлар яратди. Бу мезонлар жамиятда қонунийликни ва ҳуқуқ тартиботни таъминловчи суд, прокуратура, ички ишлар, солиқ, боғхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадига айланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш

суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришдан кўзланган асосий мақсад

2012 йил 20 ноябрь кунги пойтахтимизда «Қонун устуворлигини таъминлаш, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш — суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришнинг мақсади» мавзусида бўлиб ўтдиган халқаро конференцияда шу йўналишдаги ишларни янада такомиллашти-

риш муҳокама этилади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда суд-ҳуқуқ тизими тубдан такомиллашди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш институти — мустақил суд ҳокимияти қарор топди. Бу йўналишдаги ишлар замон талабига

мос тарзда давом эттирилаётгани амалда ўз самарасини бериши билан бирга бу халқаро экспертлар эътиборини ҳам тортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Конституциявий суди, Олий суд ҳузурдаги Тадқиқот маркази томонидан ташкил этилаётган тадбирда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAUD), Минтақавий

мулоқот, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг масъул вакиллари билан бир қаторда АҚШ, Германия, Франция, Ирландия, Болгария, Молдавия, Украина каби давлатлардан ўнлаб экспертлар иштирок этиши кутилаётгани ҳам шуни тасдиқлайди.

Конференцияда асосий эътибор Президентимиз Исролом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга қаратилади. Зеро, концепцияда

қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган долзарб вазифалар белгиланган ва айни пайтда уларнинг ижроси изчиллик билан таъминланмоқда.

Концепцияга мувофиқ қабул қилинаётган янги қонунлар асосида фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиши кафолатлари кучайтирилмоқда. Жумладан, 2012 йил 19 сентябрда кучга кирган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида процессуал мажбурият чораларини қўллашнинг янги механизми яратилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи

қонунларимизда ўз ифодасини топган

Аввало шуни айтиш керакки, Конституциямизнинг 37-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko'magi

Тадбиркор эркинлиги ҳуқуқий меъёрлар билан кафолатланган



Тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга адила идоралари ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш борасида аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma'rifat

Вакиллик ва ишончнома

Аввало шуни айтиш жоизки, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда вакиллик муҳим институтлардан бири сифатида эътироф этилади. Амаладан Фуқаролик кодексининг 129-моддасида вакиллик тушунчасига шундай таъриф берилган: ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжати асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Қонуннинг мазмун-моҳиятидан кўриниб турибдики, вакиллик ишончнома, қонун, суд қарори ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжати асосида амалга оширилади. Шу ўринда ишончнома ҳақида гапирадиган бўлсак, ушбу ҳуқуқий ҳужжат фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда жуда кўп учрайди.

Фуқаролик кодексининг 134-моддасида қайд этилганидек, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи

шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Юридик шахс номидан, шунингдек, юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига эид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Фуқаролар ўртасида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг кенг тури ҳисобланган шартнома ва битимлар тузиш амалиётида кўп учрайдиган ҳуқуқий жараёндир.

Mezon

Мулк ҳуқуқи — даҳлсиз

Қонунчиликка мувофиқ, шартнома ва битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларидир.

Битим айрим ҳолларда, қонунларда белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлганда ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур конституциявий тармоқнинг муносабатлари билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мустақамланган. Уларда барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиши ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгаллиги қайд этилган.

1995 йил 21 декабрда Меҳнат кодексининг қабул қили-

нат шартномасини Меҳнат кодексининг 106-моддаси 4-бандига асосан бекор қилинишига ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилган ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

Бундай ҳолларга, хусусан, куйидагилар қиради:

- суд ҳукмига кўра, маълум мансабни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганларни суд томонидан тай-


Fuqarolik qonunchiligi**Меҳнат ҳуқуқи****қонунларимизда ўз ифодасини топган**

ниши муносабати билан қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш ва меҳнат низолатини кўришда судларда вужудга келадиган масалаларни тушунтириш мақсадида Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелда «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Судларда қўрилатган меҳнат низолати билан боғлиқ

инланган вақт давомида ишга қабул қилиш;

- бир давлат корхонасида ўзаро яқин қариндош ёки қандайдир бўлган шахсларни, башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бундай хизматчиларни ишга қабул қилиш (Меҳнат кодексининг 79-моддаси). Қариндошларнинг биргаликда хизмат қилишларини тақиқлаш ҳақидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11



ишлар бўйича суд амалиётидан кўринишича, бу тоифадagi ишларнинг салмоқли қисмини меҳнат шартномасини бекор қилиш борасидаги низолат ташкил этади.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратсак, даввогар Х.Қобилова Навоий техника-иқтисодиёт касб-хунари коллежи директорининг 2006 йил 11 сентябрдаги буйруғига асосан коллежга ишга қабул қилинган.

2010 йил 1 февралда эса, директорининг буйруғи билан у коллеж жисмоний тарбия факультетининг вазифасига ўтказилган.

Аммо коллеж директорининг 2012 йил 3 сентябрдаги №104-к-сонли буйруғига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Айтиш керакки, Меҳнат кодексининг 106-моддасида қайд этилишича, меҳнат шартномаси, жумладан, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўқтинлик қилса, бекор қилинади.

Судда аниқланишича, даввогар Х.Қобилова билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига унинг ўрта-маҳсус маълумотга эга эканлиги асос қилиб олинган. Ҳолбуки, «Ўрта-маҳсус, касб-хунари таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини қўллаш бўйича» йўриқноманинг 14-параграфидида ўқитувчи ўқитиладиган фанга тегишли касб бўйича энг камида ўрта маҳсус касб-хунари маълумотига эга бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Х.Қобилова эса, Навоий спорт коллежи томонидан берилган дипломга эга.

Олий суди Пленумининг юқорида номи қайд этилган қарорининг 43-бандида меҳ-

мартдаги 133-сонли қарорига 3-сонли иловада белгиланган (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, 1997 йил, 3-сон, 11-модда);

- қонунлар томонидан вояга етмаганлар ва аёлларни жалб қилиш тақиқланган ишларга қабул қилиш.

Меҳнат муносабатларининг қайд этилган асосларга кўра, бекор қилиниши билан боғлиқ низолатни кўраётган судлар ишга қабул қилишда қандайдир аниқ қонунбузилишига йўл қўйилганини ва бу меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўла олиши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқламоғи зарур. Меҳнат шартномасининг Меҳнат кодексининг 106-моддаси 4-банди бўйича бекор этилишига, агар ишга қабул қилинишидаги бузилишни тузатиш мумкин бўлмаса ва бу ишни давом эттиришга тўқтинлик қилган ҳолдагина йўл қўйилиши мумкинлигини ёдда тутмоқ зарур бўлади.

Юқорида баён этилганлардан ҳам кўринадики, Х.Қобилова билан меҳнат шартномасини қонун талабига зид равишда бекор қилинган. Шу боис суд Х.Қобилованинг давво аризасини қаноатландирди.

Бундай қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, мазкур низолатнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун раҳбар ва ходимларни меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш зарур.

Мухтасар қилиб айтганда, қонунларни барча фуқаролар ва иш берувчилар пухта билса, бу уларга қатъий амал қилса, бу борадаги қонунбузилиш ҳолатлари барҳам топади. Бу билан ҳар бир шахснинг қонунларда қафолатланган меҳнат ҳуқуқлари амалда таъминланишига замин яратилади.

Шерали ТОШЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг раиси

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 20 yilligiga**Тараққиётимизнинг ҳуқуқий кафолати****(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айниқса, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини одил судлов йўли билан самарали ҳимоя этиш мақсадида суд тизимида кенг қўлланма қора-тадбирлар амалга оширилди. Соҳага оид қабул қилинган қонунларга буюриш имконияти таъминланди.

Ҳар бир фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд томонидан ҳимояланиши, шунингдек, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан судга

судловни амалга оширишнинг муҳим шаклидан бўлган — ярашув ва апелляция институтлари жорий этилди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Судга қадар иш юритишда суд назорати кучайтирилди.

Шикоят қилиш ҳуқуқи мустақамланди. Буларнинг барчаси суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш, жамиятда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини қарор топтириш ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Исматулла МАМАНОВ,

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу жараёнда асосий эътибор уларнинг бузилган ҳуқуқларини тўлиқ тиклашга, қонунбузилишида айбдор саналган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ ундириб берилишини таъминлашга, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда.

Хусусан, шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга 84 та тақдирнома, 24 та оғохнома ва 2 та кўрсатма киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 148 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқарув идораларининг 3 та ноқонуний қарори бекор қилинди ва 13 тасининг ижроси тўхтатилди. Бундан ташқари тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, судларга 111 та давво аризаси киритилди. 193 миллион сўмдан ортиқ давво аризалари қаноатландирилди. 75 миллион сўмдан зиёд маблағ тадбиркорлик субъектларига қайтарилди.

Шунингдек, киритилган тақлифлар асосида 7 нафар шахс суднинг қарори асосида маъмурий жаримага тортилди. Жумладан, 2011 йил 18 май кунини Тайлоқ тумани ер ресурслари ва давлат кадастри

Qonun ko'magi**Тадбиркор эркинлиги ҳуқуқий меъёрлар билан қафолатланган**

бўлими бошлиғи И.Холиқов ва тумандаги «Фўлба агротехсервис» агрофирмаси худудий ер тузувчиси Х.Дўстеров томонидан «Дилнуржон Акмал» фермер хўжалигида ердан фойдаланиш юзасидан мониторинг ўтказилган ва бу ҳақда далолатнома тузишган. Шу асосда «Дилнуржон Акмал» фермер хўжа-

лиги раиси Б.Исмамов энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдориди маъмурий жаримага тортилган. Бироқ давлат кадастри бўлими ходими, агрофирма ер тузувчиси назорат қилувчи органлар ходимлари амал қилиши зарур бўлган тартибга риоя этмаган ҳолда назорат функциясини амалга ошириб,

тадбиркорлик субъекти фаолиятига асосиз равишда аралашган. Шундан келиб чиқиб, адлия бошқармаси И.Холиқов ва Х.Дўстеровни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида жиноят ишлари бўйича Тайлоқ тумани судига маъмурий тақлиф киритди. Қўрилган таъсир чораси туфайли суднинг қарорига асосан уларнинг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдориди жаримага тайинланди. Шунингдек, «Дилнуржон Акмал» фермер хўжалиги раисини жаримага тортиш тўғрисидаги қарор бекор қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш бугунги кунда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Буни барча бирдек билиши, айниқса, назорат қилувчи органлар ходимлари ўз фаолиятида қонун талабига риоя этиши зарур. Бу тадбиркорлар эркинлигини таъминлайди ва ўз навбатида, уларнинг иқтисодий раванглигидаги ўрнини янада юксалтиради.

Сафар ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Mezon**Мулк ҳуқуқи**

ўртоғи С.Тўраева нотариал тартибда тасдиқланган аризага биноан ўз розилигини билдирган.

Олди-сотди шартномасига асосан янги мулкдор А.Қосимов хонадонни ваколатли давлат органида унинг номига расмийлаштирилган.

М.Тўраев ўзига тегишли бўлган хонадонни А.Қосимовга нотариал идора орқали 27 миллион сўмга сотган. Шартнома тузилгунга қадар мазкур хонадоннинг сотилишига унинг турмуш

нинг даввоси эса, қаноатландирилган.

Апелляция инстанциясида аниқланишича, низоли хонадон аввал М.Тўраевга тегишли бўлган. Чунки шу уй 2011 йил 3 ноябрда

нинг даввоси эса, қаноатландирилган. Олди-сотди шартномасига асосан янги мулкдор А.Қосимов хонадонни ваколатли давлат органида унинг номига расмийлаштирилган. Бироқ М.Тўраев ушбу хонадоннинг олди-сотди шартномаси номигагина тузилганлиги, аслида эса, А.Қосимовдан қарз олгани, бунинг эвазига алдов йўли билан олди-сотди шартномаси расмийлаштирилганли-

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Конуннинг асосий мақсади — судни ўзига хос бўлмаган ваколатлардан халос этиш билан бирга айнан одил судловга тааллуқли ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, жиноят ишларини судда кўриш тартибини янада соддалаштиришдан иборатдир.

Ушбу қоидаларнинг қўллани-

ли олиб боришдан иборат асосий вазифаси бажарилишини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган принциплари ва нормалари амалга оширилишига имкон беради.

Концепция асосида суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг

Xabar**Шахс ҳуқуқ ва манфаатларини****ишончли ҳимоя қилиш****суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришдан кўзланган асосий мақсад**

лиши суднинг ишни адолатли тарзда кўриб чиқиши ва одил судловни тезкор амалга оширишдан иборат асосий вазифаси бажарилишини таъминлайди. Шу мақсадда қонун билан бешта қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал кодекслари ҳамда «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларидир.

Янги қонунга мувофиқ айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тартибига процессуал мажбурият чоралари эндиликда суд тартибига қўлланилади. Жиноят ишлари кўзатиш ҳуқуқи суд ваколатидан чиқарилди. Ишни судда кўриш вақтида жиноят иши юзасидан айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти прокурорга юкланди.

Бу қоидаларнинг қўлланилиши суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, суднинг суд муҳожамасини адолат-

ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал қафолатлар янада кучайтирилди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунинг ёрқин далилидир. Фармонда суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган берилди.

Бундай имкониятлар соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътибордир. Бундай гамхорлик судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти учун зарур шароит яратилиши билан бирга улар зиммасига жуда юксак масъулият юклатди.

Халқаро конференцияда шу каби янгиликлар, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳадаги илмий-таълимий самаралари хусусида кенг сўз юритилди. Шу билан бир қаторда хорижий давлатларда фуқароларнинг суд орқали ҳимоя қилиниши хусусида ҳам маърузалар тингланади.

Н.АБДУРАИМОВА

Hikmat

Донолар
дейдиларки

Сукут — саломатликни, яхшилик — иззат ва обрўни, сахийлик — улугликни келтиради.

Донолар бисотини ўрганиш бизни юксакликка кўтариб, қудратли ва олижаноб инсонга айлантиради.

Йигитликда йигилмнинг мағзини, қариллик чоғи харж қил ани.

Донолик — тажрибага эгизак.

Меҳнатни севмаган ялқов киши ҳар турли номақбул ишлардан тортинмайди.

Ўзини тутта биладиган кишигина эркиндир.

Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айбдир.

Inson va tabiat



Бош Қомусимизда эътибор этилганидек, фуқаролар атроф табиий муҳитга эътиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Ушбу конституциявий қонун ҳаётига таъбиқ этиш борасида истиқлол йилларида мамлакатимизда кенг қўланилган амалга оширилди. Жумладан, ушбу мақсадга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилди. Уларнинг ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ва бир қатор жамоат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон халқаро миқёсда атроф табиий муҳитни муҳофазаси қилиш соҳасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиб, ушбу йўналишда ўнлаб муҳим

конвенцияларни ратификация қилган. Экологик тараққиётнинг халқаро, минтақавий муаммоларини ҳал этиш учун барқарор ривожланиш Концепцияси ва Миллий стратегияси, атроф-муҳитни, аҳоли саломатлигини муҳофазаси қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, чўлланишга қарши кураш, озон қатламни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш, чиқиндиларни бошқариш Миллий ҳаракат режалари қабул қилинганлиги фикримизнинг исботидир. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган «Экологик назорат тўғрисида» қонун лойиҳаси соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган. Унда атроф-муҳитни муҳо-

фаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа экологик масалаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари иштирокини ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг табиатни муҳофазаси қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим давлат дастурлари ва бошқа экологик муаммоларнинг ечишдаги роли ва ўрнини аниқлаш масалалари ўрин олган. Мазкур қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, у атроф табиий муҳитни ифлослантириш ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган «Экологик назорат тўғрисида» қонун лойиҳаси соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган. Унда атроф-муҳитни муҳо-

риш, ривожлантириш ва қучайтириш имконини беради. Экологик назорат жабҳасида вакиллик органларининг назорат қилувчи фаолиятини ўзаро ҳамкорлик асосида олиб бориш ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш механизмини яратди. Идора-вий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратининг самарадорлигини оширади. Идора-вий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратининг ваколат чегараларини ва уларнинг ўз вазифаларини амалга ошириш тартибини белгилайди. Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга жамоатчилик жалб этиш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги муҳим давлат дастурларини бажаришдаги иштирокини таъминлайди. Айтиш керакки, оқ айиқ қаҳратон совуқда муздай сув қўйилган чўчида бутун бошли тўда бўлиб яшашади. Маса-лан, сўнгги йилларда Врангелия оролида ҳар йили 200 тагача оқ айиқлар бир-биридан бор-йўғи 10, 20, 50 метр узоқликда ин қуришган. Ҳатто тадқиқотчилар ниҳоятда улкан, яъни 80 метрга чўзилган қор уюми остидан бири-бирига жуда яқин жойлашган бештадан ортиқ айиқ уясини топишган. Она айиқлар умрининг олти ойини уяларида қимир шундаки, оқ айиқ уяси ҳаммиша саранжом-сарништа, тоза ва озода бўлишига алоҳида эътибор билан қаради. Одатда, она айиқлар битта, баъзан эса, иккита, учта ва ҳатто тўрттагача митти паҳлавонларни дунёга келтириш-шади. Бу миттивойлар айнан кутб ёғдуси палласи, яъни кеча ҳам, кундуз ҳам қоп-қоронғу зулматдан иборат, қуёшни кўрмоқ фақат орзу бўлган бир палла, яъни декабрь-январ ойларида дунёга келиш-шади. Эндигина туғилган оқ айиқнинг оғирлиги 800 граммдан ошмайди, танасининг узунлиги эса, ўртача 30 сантиметрга етади. Аммо улкан ва меҳрибон оналари бағрида бу миттивойларга ҳеч нарса хавф сола олмайдди. Улар оналари бағрида таҳминан икки ойгача яшайди. Бу пайтга келиб уларнинг тийшлари чиқа бошлади, бундан сал олдинроқ эса, яъни туғилганининг 30 кунидан айиқчаларнинг қўзлари очилади. Қулоқлари ҳам эшит-та бошлади. Шу тариха 3-4 ойлик бўлганга қадар кичкин-тойлар биргина она сутининг қуввати билан 10-15 килога етиб, жуда чаққон бўлиб қоли-шади. Бу пайтда улар бирор-бир хавф-хатарни сезганда ириллаши ва ҳатто олдинги оёқларини кўтариб, тахид ҳам қилиб қўйиши мумкин. Она айиқ уясини тарқ этгач, болаларини абадий музликлар узра бошлаб кетади, улар йил бўйи шу тахит дентираб юришади. Бу вақт давомида кичкинтойлар биринчи галда болаларини ўзлаштириб олиши зарур. Бу табиийки, осон иш эмас. Чунки батамом муз билан қопланган Арктикада ҳўрак излаб топиш-

Буткул музликлар билан қопланган Арктикада яшайдиган жониворлар ичида оқ айиқлар жуда узоқ, яъни 40 йилдан зиёд умр кўради. Қизиқ жойи шундаки, балки оқ айиқлар аниқ бир манзилда уя қуриб яшамайди, балки муттасил тарзда муз уммони кенгликлари узра кезиб юришади. Фақат она айиқларгина кўзи ёриш олдида муайян муддат ўтроқ ҳолда ҳаёт кечирishi мумкин. Она айиқлар кўз ёришига 60 кеча-кундуз қолганида музликларни тарқ этиб, қуруқ жой излаб йўлга тушади. Бундай жой кўпинча чексиз Арктиканинг бирор-бир овоз оролчаларидан топилиши мумкин. Одатда, она айиқлар панжалари билан музни тешиб, то тупроққа етгунча қазий бошлайди. Сўнг шу ерда ўзига уя ясайди. Она айиқ уясига кириб олгач, тоқат билан фарзанди дунёга келишини кута бошлайди. Айтиш керакки, она айиқлар дунёга келиши кута бошлайди. Айтиш керакки, она айиқлар дунёга келиши кута бошлайди. Айтиш керакки, она айиқлар дунёга келиши кута бошлайди.

Sirlī olam

Биз билган ва билмаган дунё

Музликлар бағридаги жонивор

Энг қизиғи, бошқа пайтларда бир-бирини унчалик хушламайдиган оқ айиқлар кўпайиш чоғида бутун бошли тўда бўлиб яшашади. Маса-лан, сўнгги йилларда Врангелия оролида ҳар йили 200 тагача оқ айиқлар бир-биридан бор-йўғи 10, 20, 50 метр узоқликда ин қуришган. Ҳатто тадқиқотчилар ниҳоятда улкан, яъни 80 метрга чўзилган қор уюми остидан бири-бирига жуда яқин жойлашган бештадан ортиқ айиқ уясини топишган.

Она айиқлар умрининг олти ойини уяларида қимир шундаки, оқ айиқ уяси ҳаммиша саранжом-сарништа, тоза ва озода бўлишига алоҳида эътибор билан қаради. Одатда, она айиқлар битта, баъзан эса, иккита, учта ва ҳатто тўрттагача митти паҳлавонларни дунёга келтириш-шади.

Бу миттивойлар айнан кутб ёғдуси палласи, яъни кеча ҳам, кундуз ҳам қоп-қоронғу зулматдан иборат, қуёшни кўрмоқ фақат орзу бўлган бир палла, яъни декабрь-январ ойларида дунёга келиш-шади. Эндигина туғилган оқ айиқнинг оғирлиги 800 граммдан ошмайди, танасининг узунлиги эса, ўртача 30 сантиметрга етади. Аммо улкан ва меҳрибон оналари бағрида бу миттивойларга ҳеч нарса хавф сола олмайдди. Улар оналари бағрида таҳминан икки ойгача яшайди. Бу пайтга келиб уларнинг тийшлари чиқа бошлади, бундан сал олдинроқ эса, яъни туғилганининг 30 кунидан айиқчаларнинг қўзлари очилади. Қулоқлари ҳам эшит-та бошлади. Шу тариха 3-4 ойлик бўлганга қадар кичкин-тойлар биргина она сутининг қуввати билан 10-15 килога етиб, жуда чаққон бўлиб қоли-шади. Бу пайтда улар бирор-бир хавф-хатарни сезганда ириллаши ва ҳатто олдинги оёқларини кўтариб, тахид ҳам қилиб қўйиши мумкин. Она айиқ уясини тарқ этгач, болаларини абадий музликлар узра бошлаб кетади, улар йил бўйи шу тахит дентираб юришади. Бу вақт давомида кичкинтойлар биринчи галда болаларини ўзлаштириб олиши зарур. Бу табиийки, осон иш эмас. Чунки батамом муз билан қопланган Арктикада ҳўрак излаб топиш-

нинг ўзи бўлмайди. Айтиш керакки, оқ айиқ қаҳратон совуқда муздай сув қўйилган чўчида бутун бошли тўда бўлиб яшашади. Маса-лан, сўнгги йилларда Врангелия оролида ҳар йили 200 тагача оқ айиқлар бир-биридан бор-йўғи 10, 20, 50 метр узоқликда ин қуришган. Ҳатто тадқиқотчилар ниҳоятда улкан, яъни 80 метрга чўзилган қор уюми остидан бири-бирига жуда яқин жойлашган бештадан ортиқ айиқ уясини топишган. Она айиқлар умрининг олти ойини уяларида қимир шундаки, оқ айиқ уяси ҳаммиша саранжом-сарништа, тоза ва озода бўлишига алоҳида эътибор билан қаради. Одатда, она айиқлар битта, баъзан эса, иккита, учта ва ҳатто тўрттагача митти паҳлавонларни дунёга келтириш-шади. Бу миттивойлар айнан кутб ёғдуси палласи, яъни кеча ҳам, кундуз ҳам қоп-қоронғу зулматдан иборат, қуёшни кўрмоқ фақат орзу бўлган бир палла, яъни декабрь-январ ойларида дунёга келиш-шади. Эндигина туғилган оқ айиқнинг оғирлиги 800 граммдан ошмайди, танасининг узунлиги эса, ўртача 30 сантиметрга етади. Аммо улкан ва меҳрибон оналари бағрида бу миттивойларга ҳеч нарса хавф сола олмайдди. Улар оналари бағрида таҳминан икки ойгача яшайди. Бу пайтга келиб уларнинг тийшлари чиқа бошлади, бундан сал олдинроқ эса, яъни туғилганининг 30 кунидан айиқчаларнинг қўзлари очилади. Қулоқлари ҳам эшит-та бошлади. Шу тариха 3-4 ойлик бўлганга қадар кичкин-тойлар биргина она сутининг қуввати билан 10-15 килога етиб, жуда чаққон бўлиб қоли-шади. Бу пайтда улар бирор-бир хавф-хатарни сезганда ириллаши ва ҳатто олдинги оёқларини кўтариб, тахид ҳам қилиб қўйиши мумкин. Она айиқ уясини тарқ этгач, болаларини абадий музликлар узра бошлаб кетади, улар йил бўйи шу тахит дентираб юришади. Бу вақт давомида кичкинтойлар биринчи галда болаларини ўзлаштириб олиши зарур. Бу табиийки, осон иш эмас. Чунки батамом муз билан қопланган Арктикада ҳўрак излаб топиш-

Ҳаётда ҳар бир киши фақат ҳалол меҳнати, эзгу ва савоб ишлари, юксак инсоний фазилатлари билан одамларнинг ҳурмат-эътиборини қозонади. Аксинча, қинғир иш, ўзганинг ҳақиқа хибнат қилиш, умуман айтганда, нафс қутқусига берилиб, тўғри йўлдан озий охири-оқибат кишини юзшувит қилиши ҳаётда кўп марта ўз исботини топган. Қуйида баён этиладиган воқеа ҳам бунини яна бир қарра тасдиқлайди.

Маълумки, алоқа бўлими бошлиғи мансабдор шахс саналади. У зилман-сига юклатилган вазифага ҳалол муносабатда бўлиб, пенсия ва нафақа пулларини ўз вақтида тарқатилиши таъминласа, қўл остидаги ходимларнинг фаолиятини назорат қилиб борса, ойлик ҳисоботларни вақтида юритса, ҳеч шубҳасиз, обрў-эътибор қозонади.

Б.Қуновга ҳам ўз вақтида катта ишонч билдирилган ва у 2010 йилнинг 10 майдан Ургут туманидаги «Ватак» алоқа бўлими бошлиғи этиб тайинланган. Аммо орадан кўп ўтмай Бахриддиннинг қудам олиши ўзгарди, димоғи негадир кўтарилиб қолди. Аслида уни нафс қутқуси тўғри йўлдан оздирган, у мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, ўзига ишониб топширилган ва икхтиёрида бўлган маблағларни ўзлаштира бошла-ганди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, «Ватак» алоқа бўлимига туман почта алоқа тармоғи бош хазинасидан 2011 йилнинг май ойи учун 94 миллион 900 минг сўм пенсия пуллари ажратилди. Бундан ташқари алоқа бўлимида бошқа тушумлардан 2 миллион 408 минг 410 сўм йиғилган. Б.Қунов бу маблағни «4-шакл» ҳужжатлари асосида ўз жавобгарлигига қабул қилиб олади. Шундан сўнг у нафақа-ўрларга пенсия тариқасида 93 миллион 928 минг 218 сўмни тарқатади. Ортиб қолган маблағни эса, туман почта алоқа тармоғи бош хазинасига қайтариб топшириши керак эди. Лекин Б.Қунов қинғир йўлни кўзлайди, яъни қолган 3 миллион 376 минг 642 сўмни тарқатилгани тўғрисида сохта маълумотнома тузади. Аниқроқ айтганда, у ҳужжатларни сохталаштириб туман почта алоқа тармоғи бухгалтериясига топширади.

Аммо унинг ҳақалак отган нафси бу билан тинчмайди. У ўзига яна хуфя режалар туза бошлади. Нафс тузоғига тушган хатмиса вақтида ўзини ўнглаб олмаса, қимсини тузатмаси, қийин

Jinoyat va jazo



экан. Қийин деганимиз боиси шундаки, бундай нопок йўлга қирган кимса қинғир иши қачондир ошқор бўлиши кўпмакўр ҳаёлига келтиривермайди. Яъни «ёпиглик қозон, ёпигликча қолади» деган хомжаёлга алданиб яшайди. Ўтган йилнинг октябр ойида алоқа бўлими орқали ушбу ҳудудда яшовчи фуқароларга 17 миллион 559 минг 500 сўм пенсия пуллари тарқатилиши керак эди. Аммо Б.Қунов бу маблағ алоқа бўлимига келтирилганини бошқалардан сир тутайди-да, 17 миллион 559 минг 500 сўмни имижимида талон-тарож қилади.

Бахриддиннинг нафс ўпқони тўладиган ўхшамасди. Кейинги сафар у алоқа бўлими хабарчиси Аслиддин Қўчқоровни ўзига жиноий шерик қилиб олади. Узаро тил бириктирган бу кимсалар алоқа бўлимига қарашли «Ватак» маҳалласи бўйича ноябр-декабр ойларида ўн етти нафар фуқарога тарқатилиши лозим бўлган 4 миллион 390 минг 505 сўмни ўзлаштириб юборишади. Бу галги жиноий қилмишга алоқа бўлимининг «Узун» маҳалласи хабарчиси Аҳмадулло Раҳимбердиев қандай шерик

бўлиб қолганига қуйида тўхталамиз. Б.Қунов 2011 йилнинг 16 ноябрда Ургут тумани почта алоқа тармоғи бошлиғининг 33-сонли ички фармойишига кўра, вақтинчалик «Ватак» алоқа бўлими бошлиғи вазифасидан озод этилади. Унинг ўрнига «Узун» маҳалласи бўйича хабарчи

Бу ҳаётда бирон-бир қинғир иш жазосиз қолиб кетмайди. Юқорида баён этилган кимсаларнинг қилмиши ҳам ошқор бўлди. Дастлабки тергов жараёнида баднафс кимсалар ўзлари етказган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплашди. Қонунларимизнинг адолатпарварлиги, инсонпарварлиги шундаки, етказилган зарар ўрни қопланган тақдирда судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш боғлиқ бўлмаган жазо тайинланади.

Суд судланувчилар — Бахриддин Қунов, Аслиддин Қўчқоров ва Аҳмадулло Раҳимбердиевни Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбдор деб топди. Уларга нисбатан ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жарима жазоси тайинланди. Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиб, қиёматлар мажмуи бўйича узил-кесил жарима жазосига ҳукм қилди. Келгусида кимларгадир сабоқ бўлиши учун судланувчиларга берилган жазо, жарима миқдори ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Суд ҳукми билан Б.Қуновга энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз эллик баравари миқдорида — 22 миллион 22 минг сўм, А.Қўчқоровга энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз беш баравари миқдорида — 19 миллион 190 минг 600 сўм, А.Раҳимбердиевга энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз ўн баравари миқдорида — 19 миллион 505 минг 200 сўм жарима жазоси тайинланди, давлат фойдасига ундирилди.

Судланувчилар Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан турли муддатларга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Хулоса шуки, баднафслик, ўзганинг ҳақидан қўрқмаслик охири-оқибат эл ўртасида юзшувит бўлиб қолиш билан якун топди. Албатта, орадан йиллар ўтади. Бир маҳаллада яшагач, бу гуноҳларнинг қилган қилмишлари одамларнинг ёдидан кўтарилмаслиги аён. Даврларда барбери тилга олинади. Чунки бири яхшилик, бири ёмонлик унутилмайди.

Жаҳонгир ҒАЙБУЛЛАЕВ, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг раиси Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Куч — адолатда» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси суд фахрийси Незмат АБДУЛЛАЕВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси суд фахрийси Незмат АБДУЛЛАЕВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси суд фахрийси Незмат АБДУЛЛАЕВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА

Зарифбой МИРЗАКУЛОВ
Омонбой ОҚҲОЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир

Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Буюртма: Г-1116. Қўроғ бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 6007.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰